

THE IMPACT OF TRANSFORMATION PROCESSES ON THE ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS

A. Bekmurodov

Assistant of the Department of Banking, Samarkand Institute of Economics and Service

Tel: +998 94 1819944

abbos85@umail.uz

Annotation: The article discusses the current state and problems of the transformation of commercial banks and the conclusions, recommendations and suggestions, which are changing with the times.

Keywords: Transformation, ATM, mobile banking, financial services, digital banking, banking services office, remote identification, banking services offices, microcredit.

ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИ

А.Бекмуродов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Банк иши” кафедраси ассистенти

Тел:+998 94 1819944

abbos85@umail.uz

Аннотация: Мақолада замон талаби билан ўзгариб бораётган тижорат банкларини трансформация жараёнларининг ҳозирги кун ҳолати ва муаммолари ва хулосалар, тавсия ва таклифлар борасида фикр юритилади.

Калит сўзлар: трансформация, банкомат, мобил банкинг, молиявий хизматлар, рақамли банк, банк хизматлари офис, масофадан идентификация қилиш, банк хизматлари офислари, микроқарз.

Аннотация: В статье рассматриваются текущее состояние и проблемы процесса трансформации коммерческих банков, а также выводы, рекомендации и предложения, которые меняются с течением времени.

Ключевые слова: трансформация, банкомат, мобильный банкинг, финансовые услуги, цифровой банкинг, офис банковских услуг, удаленная идентификация, офисы банковских услуг, микрокредитование.

Хабарингиз бор, банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича Президентимизнинг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” тўғрисида Фармони қабул қилиниб, мазкур Фармон ижроси доирасида бир қанча ишлар олиб борилмоқда.

Банк ва нобанк кредит ташкилотлари инфратузилмаси ҳамда рақамли молиявий хизматларнинг ривожлантирилиши **молиявий хизматлар оммабоплигини** оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу сабабли 2020 йилда банк тизимида рақобат муҳитини яхшилаш, хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар доирасида рақамли банк хизматларини кўрсатувчи “**Анор банк**” акциядорлик жамияти ўз фаолиятини бошлади.

Шунингдек, 20 та ташкилотга тўлов ташкилоти фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар берилди.

2020 йилда тижорат банклари томонидан базавий банк хизматларини кўрсатувчи **409 та янги банк хизматлари офислари** ташкил этилиб, уларнинг сони **866 тага** етди.

October, 30th 2021

Банклар томонидан **691 та** 24/7 режимида ишловчи ўзига-ўзи банк хизматларини кўрсатиш марказлари ташкил этилиб, уларнинг сони **1 452 тага** етказилди.¹

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясининг мақсади 2025 йилга бориб қуйидаги вазифаларни ижросини таъминлашни кўзда тутди:

банк тизими активларининг жами ҳажмида давлат улуши бўлмаган банклар активлари ҳиссасини жорий 15 фоиздан 2025 йилга келиб 60 фоизгача ошириш;

банклар мажбуриятларининг умумий ҳажмида хусусий сектор олдидаги мажбуриятлар ҳиссасини жорий 28 фоиздан 2025 йил якунига 70 фоизгача ошириш;

2025 йилга келиб давлат улуши мавжуд камида учта банк капиталига зарур тажриба, билим ва нуфузга эга камида учта стратегик хорижий инвесторларни жалб қилиш;

умумий кредитлаш ҳажмида нобанк кредит ташкилотлари улушини жорий 0,35 фоиздан 2025 йилга келиб 4 фоизгача ошириш назарда тутилган.

Яратилган имкониятлар ва қулайликлар бошқа томондан аҳолига хизмат кўрсатида бирдай фойдаланиш имконини бермаяпти

Истеъмолчиларга молиявий хизматларни кўрсатиш тизимида рақобатнинг яъни бошқа молиявий ташкилотларнинг фаолияти ривожланмаганлиги сабабли танловда фақат банклар ягона институт бўлиб қолмоқда.

Банкларда трансформация — бу молиявий хизматларнинг рақамли иқтисодиёт жамиятида янги шартлари ва афзалликларига мослаша бошлаган муқаррар жараён бўлиб, унга кўра банкларда рақамли технологияни жорий этиш орқали жамиятда инсонларнинг турмуш даражасини яхшилаш, қулайликлар яратиш, молиявий хизматлар сифатини ошириш ва маълумотларини хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи восита ҳисобланади.

Мобил телефонлар ва интернетга уланиш имкониятлари мавжуд бўлишига қарамай молиявий хизматларнинг самараси пастлигича қолмоқда.

Банк хизматларининг оммабоплигини оширишга қаратилган асосий вазифалардан қуйидагиларни кенгайтириш мумкин.

-кам харажатли банк хизматлари кўрсатиш тармоқларини кенгайтириш;

-молиявий технология ечимларидан фойдаланган ҳолда масофадан идентификация қилиш тизимини йўлга қўйиш;

-мижозлар тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлик тизимини мустаҳкамлаш;

-таълим муассасаларида молиявий таълим дастурларини жорий этиш (интерактив) технологияси асосида молиявий таълим беришни йўлга қўйиш банк хизматларини фойдаланиш кўникмаларини кенгайтишига хизмат қилади.²

Кредит бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, фақатгина бозор талаблари асосида кредитлаш, банкларнинг давлат ресурсларига бўлган қарамлигини камайтириш, банк хизматларини модернизация қилиш, самарали инфратузилма яратиш ва банклар фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банкларнинг асосий фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган функцияларини босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимида самарали янги хизмат турларини жорий қилиш орқали хизматлар сифатини ошириш;

давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологияларини ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов савдолари асосида сотиш, шунингдек, давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банклари ва корхоналарни бир вақтнинг ўзида ислоҳ қилиш орқали банк секторида давлатнинг улушини камайтириш;

етарли даражада хизмат кўрсатилмаётган ва заиф қатламларда давлат иштирокини кўпайтириш ва манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни кенг жорий қилиш, камхарж хизмат кўрсатиш нуқталари тармоғини ривожлантириш, шунингдек, республиканинг ягона молия тизимидаги ўзаро тўлдирувчи қисм сифатида нобанк

¹ https://cbu.uz/oz/press_center/reports/480144/?sphrase_id=67043

² <https://cbu.uz/upload/iblock/a87/Moliyaviy-khizmatlar-ommabopligini-oshirish-milliy-strategiyasi.pdf>

October, 30th 2021

кредит ташкилотларининг шаклланиши ва ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш орқали молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Жаҳон банк тизимида хизматлар сифати ва янгиланиб бориши бизнинг тижорат банкларида ҳам трансформация жараёнларини жорий қилиш банк фаолиятига боғлиқ бўлган одатий хатарларни камайтириш ва хизматлар сифатини оширишга хизмат қилиши табиийдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги ПФ-5953-сон Фармони
2. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” ги № ЎРҚ-578 Қонуни. 01.11.2019 й.
3. <https://sof.uz/uz/tag/koronavirus>
4. <https://uz.sputniknews.ru/economy/20200729/14649037/Summa-kreditov-vydelennykh-Uzbekistanu-na-borbu-s-COVID-19-prevysila-1-mlrd.html>
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йилнинг 23 мартда қабул қилинган “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3620 Қарори
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ– 3945-сонли “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.